



## ТАЯНЧИМИЗ ҲАМ, СУЯНЧИМИЗ ҲАМ, ЭНГ КАТТА КУЧИМИЗ ҲАМ –

## ТАДБИРКОРЛАР

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Ҳали-ҳануз давлат монополиясида қолаётган йўллари таъмирлаш ва сақлашга хусусий секторни жалб қилиш тажрибаси кенгайтирилмоқда. Ушбу йил 260 километр йўллари сақлаш ишлари тадбиркорларга берилди. 2025 йили бу 3 минг километрга етказилади. Осиё тараққиёт банки иштирокчида 86 та туманда 841 километр йўллар тўлиқ маҳаллий пудратчилар томонидан қурилади.

Темир йўл соҳасидаги ислохотлар натижасида юк ташиш муддатлари 40 фоизга қисқаргани, станцияларда юкларни тўловсиз тушириш вақти 2 соатдан 3 кунга узайгани ортидан тадбиркорлар йилга 57 миллиард сўм тежаётгани, шунингдек, авиация соҳасида хусусий компаниялар сони 14 та етгани, кўшимча 6 та юк ва 16 та йўловчи ҳаво кемаси олиб келингани, Бухоро, Наманган аэропортлари хусусий шерикликка берилгани ҳам соҳа ривожига сезиларли таъсир кўрсатди.

Қўлай ва жозибадор бизнес муҳитини сақлаб қолиш учун барқарор солиқ сиёсати юритилиши ниҳоятда муҳим. Бюджет тушумлари қанчалик зарур бўлмасин, асосий солиқлар бўйича ставкалар ўзгармай қолдирилди. 2025 йил 1 январдан ер ёки давлат мулки қўшилган қиймат солиғисиз сотилиши, мобил алоқа учун акциз солиғи бекор қилиниши, шахар чегарасидаги қишлоқ ерларига 2 қарра ер солиғини ҳисоблаш тўхтатилиши, наشريёт корхоналари фойда солиғини тўлашдан 5 йилга овоз этилиши соҳа вақиллари томонидан мамнуният билан қутуб олинди.

Айниқса, IT-парк резидентларига барча турдаги солиқларни тўлашдан овоз этиш бўйича имтиёзлар 2040 йилгача узайтирилгани, хусусий мактаб ва боғчалар, хорижий ўқитувчи ва мутахассислар учун берилган барча солиқ имтиёзлари 2030 йилгача амал қилиши тадбиркорларда келажакка ишончини мустаҳкамлади, десак муболага бўлмайди.

Мамлакатимиз Жаҳон савдо таши-

лотига аъзо бўлиш жараёнининг якуний босқичига қираётганидан барчамиз хабардоримиз. Шу боис иқтисодиётда мазкур ташкилот қўдаларига зид имтиёзлар бекор қилинмоқда. Адолатли рақобат муҳитида ишлаш учун барча шароитлар яратилиши таъкидланди. Тадбиркорликка оид қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти ва замон талабларига мослаштириш мақсадида янгиланган Божхона кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилиши белгиланди.

Бизнес учун транспорт ва логистика масаласи жуда муҳимлиги инобатга олиниб, қўшни давлатлар билан келишган ҳолда “Хонобод”, “Мингтепа”, “Қорасув” ва “Учқўрғон” чегара постлари тикланди, янаги йилда “Ғишкўприк”, “Навоий”, “Довуд-ота”, “Шовот” ва “Гулбахор” чегара постларида қўшимча коридорлар қурилиб, ўтказиш қуввати 5 қарра оширилди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти 6,3 фоизга ўсиб, 111 миллиард доллардан оширилган мураккаб геосиёсий шароитда осон кечгани йўқ. Ўтаётган йилда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасига 38 миллиард доллар инвестиция жалб қилинди, экспорт 26 миллиард доллардан кўпроқни ташкил қилди. Бу суръатни давом эттириб, келгуси йил ялпи ички маҳсулотни 120 миллиард долларга ва экспортни 30 миллиардга етказиш, 42 миллиарддан зиёд инвестиция жалб этиш режалаштирилган.

Янада юксак марраларга эришиш учун бизнесга янада кенг имкониятлар яратиш зарурлиги кундек равшан. Хусусий секторда ишловчи одамларнинг даромадини кўпайтириш доимий эътиборда бўлмоғи лозим. Шу боис камиди 2,5 миллион сўм ойлик маош тўлайдиган, 15 фоиз ишчиси эҳтиёманд оилалардан бўлган, тайёр махсулот чиқарувчи тўқимачилик ва чарм корхоналарига энгилликлар берилди. Фойда солиғи ҳам, ишчиларнинг даромади солиғи ҳам 1 фоиз этиб белгиланади. Давлатимиз раҳбари айтиш шундай ижтимоий мезон асосида бошқа тармоқларга ҳам қўлайлик яратишга тайёрлигини билдирди.

Ишбилармонларимиз бундан буёғига банк кредити билан чекланиб қолмай,

халқаро стандартларга мослашиб, четдан мустақил маблағ олиб келишга одатланиши зарур. Айни мақсадда халқаро консалтинг компанияларини жалб қилиб, тадбиркорларнинг ташқи молия бозорларига чиқишига кўмаклашувчи марказ очилиши кўпдан қўйлаётган эди.

Юртимизда ишчилари 5 мингдан зиёд, йиллик даромади 1 триллион сўмдан ошган 142 нафар “чемпион” тадбиркор борлиги қувонарли эмасми? Улар “бир тармоқдан – кўп тармоқли” корпорацияга айланиб, ёндош соҳалар ривожига ҳам катта ҳисса қўшиб келаётди. Ана шундай салоҳиятли тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга ер ва бинони тўғридан-тўғри бериш, давлат корхоналарини ҳам узоқ муддатга бошқарувга топшириш чоралари кўрилади.

Яна бир эътиборли жиҳати, дунёдаги 10 та энг бой компаниянинг 7 таси ахборот технологиялари ва молиявий хизмат соҳаларидан чиққан. Ўзимизда ҳам бундай компаниялар кўпайиши учун қўлайликлар оширилиши, тадқиқот ва ривожланиш марказлари (R&D) учун лаборатория жиҳозлари, технологияларни боғиш олиб келишига руҳсат этилиши айтилди. Пахта ва ғалладан қисқарадиган ерлар 50 гектаргача йирик лотларда аукционда қўйилиб, саноатлашган плантация қилиш учун профессионал инвесторларга сотилиши, бу ерлардаги 20 сотихгача майдонда шок усулида музлатиш, саралаш ва қадоқлаш цехлари қуришга руҳсат берилиши маълум қилинди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ўзбекистонда тадбиркорлик ҳаракати орқага қайтариб бўлмайдиган катта кучга айланди. Биз давлат миқёсида қандай катта мақсад ва вазифаларни ўз олдимида қўймайлик, уларни амалга оширишда бутун халқимиз билан бирга, аввало, сизларга таянаемиз. Тадбиркорларимиз қанча бой бўлса, халқимиз шунча фаровон яшайди, давлатимиз шунча қудратли бўлади. Тадбиркорнинг ютуғи – бу бутун халқимизнинг ютуғи”.

Янги йилимизнинг қадамлари қутлуг келсин.

## ЭЪТИРОФ

## ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЎЙДЕВОРИ



Шаҳноза ХОЛМАҲМАТОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутаты,  
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР, ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ ХАЛҚИМИЗ, АЙНИҚСА, ЁШЛАР ҲАЁТИДА, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОҲАСИДА СЕЗИЛАРЛИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ҚИЛА ОЛДИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА ҚИЛМАГАН БУЛАМИЗ.

Зеро, таълим тизимида йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар сўнгги етти-саккиз йил ичида босқичма-босқич ечим топди. Хусусан, жамиятда устоз, ўқитувчи, педагог нуфузи тикланди. Ўқитувчи ва болалар мажбурий меҳнатига барҳам берилиб, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тақомиллаштирилди. Ойлик маошлар кечиктирилмай, ўз вақтида тўланадиган бўлди. Ўқитувчиларнинг интеллектуал ва меҳнатига кўра табақалаштирилган тўлов жараёни амалга таъбиқ этилди. Соҳада хусусий секторга катта имкониятлар берилиб, рақобат ва сифат уйғунлиги таъминланди. Янгидан-янги замонавий типдаги таълим муассасалари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Сўнгги йилларда мактабгача таълим бўйича қамров 27 фоиздан 76,4 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 42 фоизга етказилди. Мактабгача таълим тизими сони 8 баробар оширилиб, салкам 38 мингтага, жумладан, нодавлат таълим муассасалари 250 тадан 29 мингтага кўпайди. Кейинги етти йилда 5 мингдан зиёд мактабда, шу йилнинг ўзиде эса 608 та умумтаълим муассасаларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари ўз ниҳоясига етказилди.

Охириги йиллардаги ислохотлар натижаси ўлароқ олий таълим муассасалари сони 210 тага етказилди, унда таҳсил олувчи талабалар сони 1,33 миллион нафаргача ошди. Мазкур жараёнда олий таълим тизимидаги профессор-ўқитувчилар сони 1,64 баробар кўпайгани ҳам таъкидлаш жоиз. Олий таълимда нодавлат секторларга ҳам тенг имкониятлар яратилиши натижасида соғлом рақобат муҳити шакллантирилди.

Таълим муассасалари замон талабларига мос равишда жиҳозлангани ёшларга кенг имкониятлар яратмоқда. Ўқув дастурлари янгиланди, машғулотларда сўнгги русумдаги технологиялар кенг қўлланилмоқда. Бу эса ўз навбатида самарали натижа бермоқда. Хусусан, биргина 2023-2024 ўқув йилида мактаб ўқувчилари кимё, математика, физика ва информатика фанлари бўйича нуфузли олимпиадаларда 15 та олтин, 36 та кумуш ва 77 та бронза медалларни қўлга киритиб, Ўзбекистон тарихида рекорд натижани қайд этди.

## ЭКОЛОГИЯ

## МУАММО ВА БАРҚАРОР ЕЧИМЛАР



Зебинисо РАҲМОҶОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати,  
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

ЭКОЛОГИЯ – БУГУН БИР ТАШКИЛОТНИНГ ЁКИ БИР ГУРУҲ ИНСОНЛАРНИНГ МУАММОСИ ЭМАС, БАЛКИ БУТУН ИНСОНИЯТГА ДАХЛДОР МАСАЛА. МИНГ АФСУСКИ, ТАБИАТГА ЗИЁН ЕТКАЗИШ КУЧАЙМОҚДА. ЦИВИЛИЗАЦИЯ АВВАЛДА ДЕНГИЗЛАР ТУБИ ШАФФОФ КЎЗГҮ КАБИ ТИНИҚ КЎРИНГАН БЎЛСА, БУГУНГА КЕЛИБ ТОЗА СУВНИ ТОПИШНИНГ ЎЗИ МУАММО. ГЛОБАЛ ИШИШ, МИНГ ЙИЛЛИК МУЗЛАР ЭРИШИ, СУВ ТОШҚИНЛАРИ, АНОМАЛ ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОДАТТИЙ ҲОЛГА АЙЛАНМОҚДА.

Дунё давлатлари экологик муаммоларни бартараф этиш борасида жиддий курашмоқда. Табиийки, бу борада Ўзбекистон ҳам фаол мамлакатлардан бирига айлангани ҳеч кимга сир эмас.

Президентимиз ташаббуси билан экология соҳасидаги қатор муаммоларнинг олдини олиш, уларнинг салбий оқибатларини тугатишга қаратилган амалий ишлар изчил олиб бориляпти. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳит гигиенаси бўйича Миллий ҳаракат дастури, биологик ранг-барангликни сақлаш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракат режаси, Қурғоқчилик ва чўлга айланишга қарши кураш ҳамда Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича Миллий ҳаракат дастурлари шулар жумласидандир.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳофазаси натижалари асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг асосий ғояларидан бири ҳам бу аҳоли учун қўлай экологик шароитларни яратишдан иборатдир. Бунда сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда юртимизда экологик вазиятни тубдан яхшилаш, инсон ҳаётига таъсир ўтказувчи муаммоларни бартараф этиш асосий функция сифатида қайд этилди. Шунингдек, юқори самарадорликка эга чанг ва газ тозалаш ускуналари, локал сув шэффолфлаш иншоотларини ўрнатиш ҳамда мавжудларини модернизация қилиш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Шу билан бирга жойларда 14 та экологик тоза худуд режими жорий қилиш, шаҳарлар бош режаларини тузишда улар худудининг камиди 30 фоизини яшил майдонлар ташкил этиши, турар жой биноларини қуришда “яшил майдон” лари аҳолининг сонига муносиб бўлишини таъминлаш кўзда тутилган. Қолаверса, экологик вазиятни барқарорлаштиришга

Маълумки, ҳар қандай тизимнинг ривожига ва барқарорлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамликка бевосита боғлиқ. Бу борада аниқ механизм ишлаётгани ана шундай натижаларга эришишда асосий омил бўлмоқда. Жумладан, янги таҳрирдаги Конституцияда ёшларга, уларнинг таълим ва тарбиясига оид нормалар икки баравар оширилди. Хусусан, Бош қомусимизда таълим олиш ҳуқуқ ва имкониятлари кенгайтирилди, нодавлат таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш қўдалари жорий этилди, давлат томонидан бепул умумий ўрта ва бошланғич касб-хунар таълими кафолатлари белгиланди, олий таълим муассасаларига академик эркинлик берилди. Буларнинг барчаси ёш авлод ҳаётини янада яхшилаш, уларнинг истак ва интилишларини рўёбга чиқариш, замонавий касб-хунарларни эгаллаши, жамиятда муносиб ўрин топишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияда ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилиши, давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш қатъий белгилаб қўйилди.

Қанчалик шарт-шароит, кенг имконият яратилмасин, таълимда барқарор давоматга эришилмаса, барча саъй-ҳаракатлар самарасиз бўлади. Ушбу омил ўқувчиларнинг бевосита муваффақиятига, таълим муассасасининг обрўсига таъсир қилади. Шунга кўра, ота-оналар ва таълим муассасаларининг бу борадаги жавабгарлиги кучайтирилиб, жамоатчилик назорати жорий этилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг асосий мақсади – бу жамиятдаги ҳар бир инсоннинг ҳаётини яхшилаш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш, ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдан иборат. Таълим-тарбиядаги ислохотлар замирида ҳам ана шундай мақсадлар мўжассам. Бу борадаги ишлар бундан кейин ҳам жадал давом эттирилади. Зеро, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида қатор чора-тадбирлар ва вазифалар белгиланган. Буларни ҳаётга изчил таъбиқ этилишида, биз, депутатларнинг масъулиятимиз, вазифаларимиз залворли. Фаолиятимизнинг ҳар онда буни чуқур ҳис этаемиз.

## ЭНЕРГИЯ МУСТАҚИЛЛИГИ ОСТОНАСИДА

Бугун дунё мамлакатлари энергияга бўлган ўз эҳтиёжини бошқа юртлардан қўллаб-қувватлов олмаган ҳолда бутлашга интиломоқда. Хусусан, Ўзбекистон электр энергиясига бўлган эҳтиёжини ўз ресурслари ҳисобидан тўлиқ қондириб, энергия мустақиллиги остонасида турган кам сонли мамлакатлардан бирига айланди.

Бу борада мамлакат мавжуд электр станцияларини модернизация ва реконструкция қилиб, соҳани ривожлантиришга катта инвестициялар жалб этмоқда. Қуёш ва шамол, қолаверса, бошқа қайта тикланувчи энергия манбалари фол амалиётга таъбиқ этила бошланди. Жумладан, яқунланётган 2024 йилда кичик ва микроГЭСлар қурилиши соҳасида жами 18 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада умумий қуввати 24,49 МВт бўлган янги энергия манбалари ишга туширилиб, 60 та янги иш ўрни яратилди. Бу бир йилда қўшимча 99,6 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имкони деганидир. Мазкур лойиҳаларнинг қиймати 46,27 миллион АҚШ долларига тенг.

Шунингдек, жорий йилда умумий қуввати 1 050 МВт бўлган 5 та қуёш фотоэлектр, 800 МВт 3 та шамол, жами ҳисобда 1 850 МВтга тенг бўлган қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилди. Йил адоғида ишлаб чиқариш ҳажми 81,7 млрд кВт соатга етиб, тикланувчи манбаларнинг умумий кўрсаткичи 12,5 млрд кВт соатни ташкил этиши кутилмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга оширилиб, 2030 йилда 120 млрд кВт соатга етказиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2023 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Яшил энергия” сертификатлари жорий этилишини кенгайтириш ва “Яшил молиялаштириш” механизмларини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор асосида “Яшил” энергия сертификатлари бозори яратилди.

Йил якунида иссиқлик электр станциялари тизимида қўшимча 965,2 МВт янги қувватлар ишга туширилиши натижасида 540 млн куб метр табиий газ тежаланди. Шу билан бирга ҳукуматнинг 2024 йил 19 октябрдаги “Ёқилги-энергетика ресурслари истеъмолчиларини ҳамда бино ва иншоотларни энергия истеъмолини энергия аудитидан ўтказиш тартибларини белгилаш тўғрисида”ги қарорига асосан кўп қаватли уй-жойлардаги хонадонларнинг энергия самарадорлигини баҳолаш тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан 2024 йил 5 июнда имзолан-

ган “Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтишда миллий шаффофлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтишда миллий шаффофлик тизимини жорий этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан иқлим ўзгариши соҳасида барча иссиқхона газларини қамраб олувчи мониторинг тизими (MRV) яратилди.

Жорий йилнинг январь – ноябрь ойларида “Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳамда хорижий ва қўшма корхоналар томонидан жами 342 та геологик-техник тадбирлар, жумладан, 150 та янги қудуқ бурғиланди, 149 та қудуқ мукамал таъмирланди ҳамда 43 та технологик объект ишга туширилди.

Ортада қолаётган йилда табиий газни тақсимлаш ҳамда истеъмолчига етказиш инфратузилмасини модернизация қилиш мақсадида “Худудгазтаъминот” АЖ томонидан 175,4 км газ тармоқлари, 478 та газ тақсимлаш пункти реконструкция ва модернизация қилинди. Қолаверса, жойлардаги 52 462 та тақсимлаш пункти тафтишдан ўтказилиб, 6,8 минг км қувурлар босим остида тозаланди. 7,3 минг км ер ости қувурларининг ҳолати текширилди ва 4,1 минг км қувурлар тартибга келтирилди.

Тизимни замон билан ҳамнафас ривожлантириш мақсадида ёқилги энергетика комплекси ташкилотлари, хусусан, “Худудий электр тармоқлари” АЖда “HET billing” тизими, “CRM” дастури, корпоратив маълумотларини сақлаш (DWH) ва таҳлилий платформаси (BI), “Энергетикнинг виртуал иш столи” лойиҳаси, “Электрон далолатнома” дастури ҳамда истеъмолчиларнинг шахсий кабинети ва мобил иловаси жорий этилди.

Бундан ташқари, “Худудгазтаъминот” АЖда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш – “DLP” тизими, истеъмолчилар билан табиий газ учун шартномаларини онлайн расмийлаштириш ҳамда автоматлаштирилган тартибда ҳисоб рақамларини шакллантириш – “Онлайн шартнома” базиси, табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини электрон рўйхатга олиш

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ,  
“XXI asr” мухбири



# ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ҲАЁТИМИЗНИНГ БИР БЎЛАГИ

Ривожланган мамлакатларда жамоат транспортлари ҳаракатланиш жадвалига қатъий амал қилинади. Шу боис уларнинг қатновига қараб соатни сошлаш мумкинлиги айтилади.

Хўш, Ўзбекистонда-чи? Жамоат транспортларининг аҳоли қандай? Бир кунда мамлакатимиз аҳолисининг қанча қисми жамоат транспортларидан фойдаланади? Очқ маълумотларга кўра, мамлакатимиз бўйлаб ҳар куни 10 миллиондан ортиқ киши жамоат транспортидан фойдаланади. Бу мамлакат аҳолисининг салкам учдан бир қисми дегани. Худудлар кесимида аҳолиси 3 миллиондан ортиқ Тошкент шаҳри умумхалқ уловларидан манфаатдорликда пешқадам ҳисобланади.

Айтиш жоизки, кундалик ҳаётимизга, кайфиятимизга дахлдор бўлган жамоат транспортни хизматидан фойдаланиш кун сайин ўсиб бормоқда. Чунки муқим аҳоли, вақтинча яшовчилар, туристлар ва талабалар сони ҳам ортмоқда. Жумладан, тиғиз вақтларда йўловчилар оқими кўпайиб, совитиш ва иситиш қурилмалари кўнгилдагидек ишламаслик ҳолатлари кузатишмоқда. Метрода ҳам ҳаво айланиши маромида эмас. Қолаверса, транспортларнинг барчасида ҳам ногиронлиги борлар учун махсус шариотлар яратилган, деб айтиш қийин. Афсуски жойларда мижоз талашиб, бир-бири билан пойга қўётган “учар” ҳайдовчилар ҳамон учраб турилади. Баъзи йўналишларда ҳалигача эскирган автобуслар ҳаракатланмоқда. Бу эса транспорт воситаларининг тез-тез ишдан чиқиб, йўловчиларни аро йўлда сарсон бўлишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Эҳтиёж бор экан, жамоат транспортни хизмати соҳасини ривожлантиришга қаратилган ишлар кўлами янада кенгайтириш шубҳасиз. Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, жамоат транспортни йўналишлари тармоғини кенгайтириш ва ҳаракат таркибини замонавий, экологик тоза

автобуслар билан янгилаш бўйича сезиларли ижобий ишлар амалга оширилди.

Ушбу соҳани ривожлантириш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор муҳим ҳужжатлари қабул қилинди. “Жамоат транспорт тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги қарори, 2024 йил 25 мартдаги “Жамоат транспортни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор шулар жумласидандир.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали жамоат транспорт тизимини комплекс ривожлантириш, йўловчиларга сифатли ва хавфсиз транспорт хизматларини кўрсатиш, соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш, хусусан, соҳани молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш янги босқичга олиб чиқилди.

Умуман олганда, жамоат транспортни ривожлантириш босқичлари сифатида янги замонавий автобуслар харид қилиш, инфратузилмани яратиш, молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш, назорат тизимини яратиш, ташувчиларга компенсация тўловлари учун махсус жамғарма ташкил этиш, электрон тўловга ўтиш каби жараёнларни келтиришимиз мақсадга мувофиқ.

Инфратузилмани яратиш деганда, албатта, ҳозирда кенг жорий этилаётган автобуслар учун алоҳида йўлақлар белгилашига эътибор қаратиш лозим. Хусусан, Тошкент шаҳрида автобуслар сони сўнгги икки йилда икки баробарга яъни 1 959 тага ортди. Қолаверса, автобуслар орқали интервали ҳам икки баробарга қисқариб, улар учун алоҳида йўлақлар салкам 50

км масофага яқинлашиб қолганини қайд этиш жоиз.

Жамоат транспорт учун алоҳида ажратилаётган йўлақлар ҳақида сўз юритилганда, албатта, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ жараёнларга ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Бугунги кунда ИИБ томонидан ишлаб чиқилган ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган “Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамоат транспортдан фойдаланишнинг самардорлигини оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама этилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси билан жамоат транспортнинг йўлақларда тўсқинликсиз ҳаракатланиши учун шариот яратиш, унинг жозибадорлигини ошириш, шунингдек, жамоат транспорт учун алоҳида ажратилган йўлақларда ҳаракатланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Албатта, жамоат транспортнинг аҳолига узлуксиз, сифатли хизмат кўрсатиши учун барча имкониятларни яратиш жуда муҳим омил ҳисобланади. Лекин, шу билан бирга, янги турдаги жавобгарликни белгилаш чоғида қонунчилик нуқтаи назардан тўғри ёндашуви талаб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳайдовчиларнинг йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмаслиги (амалдаги 128-модда) билан боғлиқ жавобгарлик белгиленган. Шу сабабли муҳокамадаги қонун лойиҳаси билан Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамоат транспорт учун алоҳида ажратилган йўлақларда ҳаракатланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик киритилиши (лойиҳадаги 128-модда) айна бир ҳуқуқбузарлик учун

бир-бирини такрорловчи жазо чораларини қўлланилишига олиб келиши мумкин. Яъни, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ноаниқликларни келтириб чиқаради (қайси турдаги жазо чораси қўлланилади, – деган савол туғилади).

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси билан ёндош ҳудуддан чиқиб, жамоат транспорт учун алоҳида ажратилган йўлақни бўшатган ҳолда йўлнинг қатнов қисмига ўтаётган транспорт воситаларига йўл бермаслик тарзидаги жавобгарлик белгиленмоқда. Муаммо шундаки, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”да ёндош ҳудуддан чиқиб, жамоат транспорт учун алоҳида ажратилган йўлақни бўшатган ҳолда йўлнинг қатнов қисмига ўтаётган транспорт воситаларига йўл бериш мажбуриятини белгиловчи қоида мавжуд эмас. Аксинча, 1-боб, 6-бандда ёндош ҳудуддан чиқётган транспорт воситалари барча йўл ҳаракати иштирокчиларига йўл бериши шарт, – деган қоида белгиленган.

Шу ва шу каби бошқа муаммоларни ечиш мақсадида, ушбу қонун лойиҳаси муҳокамалари қизғин давом этмоқда. Мазкур жараёнда лойиҳанинг муҳимлигини инкор этмаган ҳолда, Қонунчилик палатасидаги О‘зЛиДеР фракцияси аъзолари томонидан аҳоли, шунингдек, ўз электроти манфаатларидан келиб чиқиб, кўплаб асосли таклифлар билдирилмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, жамоат транспортининг янада ривожлантирилиши, хусусан, молиялаштириш тизими ва тариф сиёсатини такомиллаштириш орқали хусусий сектор учун жозибали бизнес муҳитини яратилиши аҳолининг юқори сифатли ва қулай йўловчи ташиш хизматларига бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга хизмат қилади.



Шухрат ШАРАФУТДИНОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати, О‘зЛиДеР  
фракцияси раҳбари уринбосари



## “ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО” МИНТАҚАДА ЕТАКЧИ

Бу ҳақда Лондонда фаолият кўрсатувчи  
нуфузли рейтинг агентликларидан бири  
SUSTAINABLE FITCH маълум қилди.

Хушxabар тафсилотида  
ўтишдан аввал ESG ўзи  
қанақа тизимлигини ва  
кимнинг ташаббуси билан  
не мақсадда ташкил  
этилганини билиб олиш  
фойдадан холи бўлмайди.

Ҳап шундаки, ESG (Environmental, Social, Governance) қисқартма атамаси “Табиат. Жамият. Жаҳон” сўзларининг инглиз тилидаги бош ҳарфларидан шаклланган бўлиб, турли компанияларнинг бизнес юритиш жараёнида атроф-муҳитга зарар келтирмаслик, экологияни муҳофазалаш бора-бора савий-ҳаракатларини ўрганишга ихтисослашган. Мазкур рейтинг БМТ собик бош қотиби Кофи Аннан ташаббуси билан 2004 йилда жорий этилган.

ESG тизими доирасида ўрганилган компаниялар “1” дан “5” гача бўлган мезон асосида баҳоланади. Бунда “1” – энг юқориси, “5” эса энг паста ҳисобланади. Шу маънода SUSTAINABLE FITCH рейтинг агентлиги “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятининг табиатни кўз қорачигидек асрашга йўналтирилган ишларини “2” (яхши) даражасида баҳолагани халқаро миқёсдаги юқори эътиборнинг амалий тасдиғидир. Бинобарин, “Ўзбекгидроэнерго” тўллаган баллар 65 дан 72 га ошгани ҳам бежиз эмас.

Ушбу ютук Ўзбекистонда гидроэнергия ишлаб чиқариш орқали иқлим ўзгаришини юмшатишга катта ҳисса қўшилаётганини, жамиятдаги янгилашни-

ларда экологик жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилаётгани баробарида бошқарув тузилмасига инновацион муносабатнинг 2023 йилдаги ёрқин самараларини ўзида акс эттиради.

Аҳамиятли томони, бу 7 баллик сезиларли ўсиш “Ўзбекгидроэнерго” АЖни Марказий Осиёдаги энг юқори баҳога эга бўлган етакчи компанияга айлантирди.

Мазкур рейтингдаги юқок мақомга “Ўзбекгидроэнерго” халқаро консалтинг компанияларини жалб қилмасдан, ўз кучи билан, тажрибали мутахассисларининг фаол савий-ҳаракатлари, билими ва малакаси туфайли эришди. Яъни, жамиятнинг қувватларини янада кенгайтириш бўйича амалга ошираётган ишлари БМТнинг Барқарор Ривожланиш Мақсадлари (SDG) 7.2 банди (Renewable Energy)га – қайта тикланувчи энергия улушини ошириш йўналишидаги тамойилларига тўла мос келади.

Мухтасар айтганда, SUSTAINABLE FITCH томонидан ҳолис амалга оширилган ESG рейтинглари экологик, ижтимоий ва бошқарув самардорлигининг барча турларида, шу жумладан, ташилот ва платформа даражасида баҳолаш учун глобал ечим таклиф қилади.

ESG тавсиялари – жамият ривожига бўйича бошқалардан яхшироқ ва асосли қарорлар қабул қилишда яқиндан ёрдам бериши билан ҳам бутун дунёда шухрат қозонган.

“Ўзбекгидроэнерго”  
матбуот хизмати

### ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

# ҚИШ ЧИЛЛАСИ СИНОВЛАРИ

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги О‘зЛиДеР депутатлик гуруҳи йиғилишида куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича 2024 йил якунлари ва 2025 йилда амалга оширилиши лозим бўлган режалар юзасидан “Худудий электр тармоқлари” АЖ Қашқадарё худудий филиали, “Худудгаз Қашқадарё” газ таъминоти ва “Кўмир таъминот” МЧЖ Қашқадарё вилоят филиаллари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ Қашқадарё худудий филиали бош муҳандиси Дамин Болтаевнинг таъкидлашича, вилоятда 784 минг 445 та (шундан 56 минг 805 та юридик, 727 минг 640 нафар жисмоний шахс) истеъмолчиларга 184 та 110-35 кВ подстанциялар, 29 минг км узунликдаги 0,4-110 кВ кучланиши электр узатиш тармоқлари ва 10 минг 877 дона трансформаторлар орқали электр энергияси етказиб берилмоқда.

2024-2025 йиллар куз-қиш мавсумида истеъмолчиларни барқарор электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 3 092,6 км узунликдаги электр узатиш тармоғи, 1 046 дона трансформатор пунктлари мукамал таъмирланди. 558,4 км электр узатиш тармоғи ва 133 та трансформаторлар қурилди. 349 дона темир-бетон устуллари ўрнатилди. Хитойдан келтирилган, қуввати 40 МВА бўлган 4 та кучланиш трансформаторлари Қўқдаладаги “Еттиот” ва Шаҳрисабздаги “Гулистон” подстанцияларига ўрнатилди, 21 та подстанциянинг қуввати оширилди. Натижада 255 та МФЙда яшовчи 176 мингдан ортиқ аҳоли хонадонлари ва 1 073 дан ортиқ улгуржи истеъмолчиларнинг электр таъминоти яхшиланди.

Вилоятдаги истеъмолчиларнинг электр энергияси билан боғлиқ муаммоларини бартараф этиш учун қуввати 2x25 МВА бўлган 3 та подстанция қуриш, 4 тасини реконструкция қилиш, 127 та трансформатор ўрнатиш, 491 км электр узатиш тармоқлари ва 1 055 дона трансформаторларни мукамал таъмирлаш зарур.

– Филиалимиз томонидан жорий йилнинг январь-ноябрь ойлари давомида 771,3 м3 табиий (шундан аҳолига 335 млн м3 ва 87,2 минг тонна суёлтирилган) газ етказиб берилди, – дейди “Худудгаз Қашқадарё” газ таъминоти филиали директори уринбосари Соҳиб Жўраев. – Утган куз-қиш мавсумида табиий газ таъминотида юзага келган муаммолари ҳолатларни бартараф этиш мақсадида 15,4 минг аҳоли истиқомат қилаётган 16 та маҳаллада газ таъминоти яхшиланди. 16 км газ тармоқлари реконструкция қилиниб, 96 та газ тақсимлаш пунктлари мукамал таъмирланди. 2,2 км ташиқ газ тармоқлари қурилиб, воҳадаги аҳоли яшаш янги массивлари, ижтимоий-иқтисодий тармоқлари газлаштирилди. Маҳаллабай ишлаш тизими асосида аҳоли хонадонларидаги 48,9 минг дона маънан эскирган газ жиҳозлари хавфсиз, самарадорлиги

юқори ҳамда энерготехжамкор жиҳозларга алмаштирилиши натижасида 3,5 млн м3 табиий газ иқтисод қилинди. Утган давр мобайнида аҳолига 87 минг 245 тонна суёлтирилган газ етказиб берилди.

Вилоятда ойлик қуввати 16,7 минг тонна бўлган 28 та газ тўлдириш шохбачалари фаолият кўрсатмоқда. 8 та маийш газ баллонларини синовдан ўтказиш маркази, 147 та баллон ташувчи автотранспорт воситалари, 5 та махсус “КамАЗ” ва “МАН” автомобиллари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Аҳолига газ баллонлари етказиб бериш мuddатини қисқартириш мақсадида 5 та туманда 7 та газ тўлдириш иншоотлари ишга туширилди. Аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда жорий йилда 2 356 дона газ баллони етказиб берилди. Мавжуд инфратузилмани такомиллаштириш ва бошқарув тизимини оптималлаштириш мақсадида “Газ тўлдириш иншооти-истеъмолчи” принципи асосида хизмат кўрсатиш амалиёти жорий этилди. Шунингдек, “Кўмир таъминот” МЧЖ Қашқадарё вилоят филиали бошлиғи Роман Бобоёров ҳам ўз ҳисоботида воҳада куз-қиш мавсуми учун ижтимоий соҳа объектлари ва аҳолига жами 53 минг 624 тонна кў-



мир тарқатилганлиги, шундан 11 минг 555 тоннаси хориждан келтирилганлигини таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда О‘зЛиДеР вилоят кенгаши депутатлари Иброҳим Халилов, Алишер Бойқараев, Момосулув Бердиқулова ва бошқалар сўзга чиқиб, вилоятдаги 12,8 минг км масофадаги электр узатиш тармоқлари ва 4 515 дона трансформаторлар маънан эскирганини боис аҳоли хонадонларини электр нури билан

таъминлашда узилишлар юзага келатганини, чекка қишлоқларда электр қуввати ҳаттоки совиткичларни ишлашига ҳам етмаслиги, аҳолининг электр таъминотини яхшилашни сўраб қилган мурожаатлари ўрганишиш қилиб келатганини, аҳолига суёлтирилган газ баллонлари ўз вақтида етказиб берилмаётганини, баллондаги газ миқдори кам эканлиги, аҳолига тарқатилган кўмир маҳсулотлари ўта сифатсиз, фақат қулдан иборатлиги,

аксинча, олибсатарлар одамларга сифатли кўмир маҳсулотини қиммат нарҳда сотаётганликларини танқид қилишди.

Йиғилиш сўнггида юқорида таъкидланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар билдирилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,  
“XXI asr” муҳбири



**Biznesni  
Rivojlantirish  
Banki**

# ТАДБИРКОРГА МАДАДКОРМИЗ

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари ва қўшимча даромад манбаларини яратиб орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган кенг қўламли, тизимли ва аниқ манзилли изчил иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ислохотларнинг туб моҳиятида, энг аввало, "Инсон қадрини унган" деган улугвор ғоя мужассамдир.

2020 йил 12 майда қабул қилинган "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси" ҳам аҳолини замонавий ва қулай банк хизматлари билан таъминлаш орқали, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва пировардида, фуқароларимизнинг ҳаёт даражасини сифат жиҳатидан янада оширишни кўзда tutади.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йилнинг 16 декабрь куни ўтказилган видеоселектор йўналишида банк хизматлари орқали маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, келгуси йил учун асосий режалар белгилаб берилди. Биз бу режалар асосида фаолиятимизни танқидий таҳлил қилиб, олдимизда турган энг устувор вазифаларимизни аниқлаб олдик.

Юртбошимиз тижорат банклари айниқса ижобий тажрибаларни кенгайтириб, халққа мададкор бўлиши зарурлигини, 2025 йил бандликни таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлишини таъкидлади. Албатта, ушбу йўналишда белгилаб берилган топшириқлар ижросини таъминлаш бизнинг асосий вазифамиздир. Бунинг учун барча имкониятларимиз ҳам, молиявий ресурсларимиз ҳам етарли.

Шунингдек, ҳокимликлар билан банкларнинг маҳаллаларда мувофиқ ишлаш тизими бўйича янги аниқ ёндашувлар илгари сурилди. Шу мақсадда маҳалла банкирлари фаолиятини йўлга қўйиш таклифи ўртага ташланди. Белгиланганидек, улар маҳаллалар тизимида юртдошларимизнинг бизнес имкониятларини чуқур ўрганади, ибратли ва фойдали ғояларни ва тадбиркорлик салоҳиятини лойиҳаларга айлантиради. Аҳолига молиявий тартибларни, маҳсулот ва хизматларини сотишни ўргатади, лойиҳаларга ҳамроҳлик қилади.

Бундан ташқари, йўналишда тижорат банкларининг мавжуд муаммоларини бартараф этишга доир аниқ ечимлар кўрсатиб ўтилди. Хусусан, банклар балансида 3 мингта ҳаракатсиз мулк борлиги, улар сотилса, қўшимча ресурс ва 150 мингта иш ўрни учун захира пайдо бўлиши қайд этилди. Шу боис банкларга ҳаракатсиз мулкларни бозор қийматида тўғридан-тўғри сотишга рухсат берилиши белгиланди. Мазкур таклиф тижорат банкларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва уларнинг молиявий имкониятларини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Маълумки, "Бизнесни ривожлантириш банки" давлатимиз раҳбарининг 2023 йилнинг 18 августда тадбиркорлар билан бўлиб ўтган мулоқотида билдирилган ташаббус асосида ташкил этилган эди.

2023 йилнинг 14 сентябрида қабул қилинган "Кичик бизнесни ривожлантиришни мо-



лиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорига мувофиқ, "Бизнесни ривожлантириш банки" "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс дастурини самарали амалга ошириш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш бўйича асосий таянч банк сифатида белгиланган.

Банкимиз ташкил топганидан буён ўтган бир йилдан ортиқ вақт давомида республиканинг 14 та ҳудудда тадбиркорларни ўқитиш учун замонавий "Кичик бизнесга кўмаклашиш ҳудудий марказлари" ташкил этилди. Мазкур марказлар томонидан 55 мингдан ортиқ тадбиркорлар ўқитилди.

Ва улар учун яратилган қулай ва жозибадор 10 турдаги молиявий инструментлар орқали бугунги кунга қадар мазкур дастурда иштирок этган 49 077 тадбиркорга 4 трлн 800 млрд сўмлик, шу жумладан, "Бизнесни ривожлантириш банки" томонидан 17 673 тадбиркорга 1 трлн 800 млрд сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида 58 900 та янги иш ўринлари яратилди.

Банкимизга бугунги кунда республика бўйича жами 649 та маҳалла бириктирилган. Жорий йилда ана шу маҳаллаларга жами 1 трлн 500 млрд сўм кредит ажратилиб, 473 минг нафар аҳолининг бандлиги таъминланди. Шундан 70 минг нафари доимий ишга жойлаштирилди ва 403 минг нафари тадбиркорликка жалб қилинди.

Хусусан, "Сайхунбод тажрибаси" асосида хонадонбай ишлаш тизими орқали ҳар бир маҳалладаги хонадонларга жами 3 992 та молиявий пакетлар, шу жумладан, 21 минг 800 та микролойиҳалар амалга оширилиб, 672 млрд сўм кредит ажратилди. Натижада 40 102 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди.

"Ҳорэ" тажрибаси" асосида 608 та учрашувлар ўтказилиб, 6 900 та мурожаат қўриб

чиқилди. 6 700 та мурожаат ижобий ечимини топди ва натижада 12 600 та янги иш ўрни яратилди.

Айниқса, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга



алоҳида эътибор қаратяпмиз. Жорий йилда ушбу мақсадлар учун 18 866 нафар аёлларга 919,8 млрд сўм кредит маблағлари ажратилди. Банкимизга бириктирилган маҳаллаларда 1 868 нафар аёл тадбиркорларга 122,9 млрд сўм миқдорда банк кредити йўналтирилди. Бунинг самараси ўлароқ, 3 862 та янги иш ўринлари вужудга келди.

Умуман олганда "Бизнесни ривожлантириш банки" томонидан шу кунга қадар 7 трлн 300 млрд сўм кредит ажратилди.

Тадбиркорларни ўқитиш жараёнига "Япония тажрибаси"ни татбиқ этиш ва бу борада Япониянинг етакчи таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Бунинг учун банкимиз ва Ямагата университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Ўзаро келишув доирасида япониялик профессорлар билан ҳамкорликда 10 минг нафар тадбиркор "Бизнес портал" электрон платформаси орқали Япониянинг "u-hore" дастури асосида ўқитилди.

Бу тизим самараси шуки, ҳудудларда янги тадбиркорлик субъектлари вужудга келмоқда ва пировардида аҳоли учун қўшимча даромад манбалари пайдо бўлмоқда.

Кўрсатилган молиявий кўмаклар натижасида ўзини ўзи банд қилган 18 284 нафар жисмоний шахслардан 12 794 нафари яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди ва 5 490 нафари юридик корхона мақоми олдиди.

Дастурда иштирок этган 16 867 та яқка тартибдаги тадбиркорлардан 1 100 нафари масъулияти чекланган жамият сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ташаббускорларнинг лойиҳалари учун кредит маблағларини ажратиш жараёни ҳам рақамли технологиялар асосида соддалаштирилган.

Дастур орқали ташаббускорларга енгиллик яратиш мақсадида асосий жараёнлар электрон шаклга ўтказилган. Бундан ташқари иштирокчиларга лойиҳаларини электрон рақамли имзо орқали масофадан тасдиқлаш

**Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш  
марказдан тортиб, энг қуйи бўғингача – барча раҳбарларнинг  
қундалик иши бўлиши шарт.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Япониялик мутахассислар ўқув дастурлари давомида муваффақиятли қатнашган тингловчилардан 24 нафар менторларни саралаб олди. Бу тингловчилар дастлаб Ўзбекистонда, кейинги босқичда Япониянинг Ямагата университетида ўз малакасини оширди. Режага мувофиқ, хорижда малака ошириб қайтган ҳар бир ментор томонидан жами 296 нафар тренерлар тайёрланади. Тадбиркорларни ўқитиш жараёнлари кейинчалик мазкур менторлар томонидан ташкил этилади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимизнинг банк хизматларини маҳалла даражасига олиб тушиш ташаббуси банк соҳаси ходимларини халққа янада яқинлаштиради. Энг муҳими, жорий этилган янги тизим ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади.

имконияти яратилган. Бу эса тадбиркорларга қисқа вақт ичида ва шаффоф равишда кредит маблағларини ажратиш имконини бермоқда.

Келгуси йилда жамоамиз катта мақсадларни кўзламоқда. 2025 йилда банкимиз томонидан барча манбалар ҳисобидан 10 трлн 400 млрд сўмлик кредитлар ажратишни режа қилганмиз.

Жумладан: "Бизнесга биринчи қадам" маҳсулоти орқали 300 млрд сўмдан ортиқ;

"Маҳаллада бизнес" маҳсулоти орқали 150 млрд сўмдан ортиқ кредит ажратишни мақсад қилганмиз.

Маҳаллабай ишлаш тизими доирасида 279 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш режалаштирилди. Бундан 115 минг нафар аҳоли доимий ишга жойлаштирилади ва 164 минг нафари тадбиркорликка жалб қилинади.

Жойларда 1 300 та учрашувлар ўтказилиб, 25 900 та микролойиҳалар амалга оширилади ва дастурлар доирасида 1 трлн 400 млрд сўмлик кредитлар ажратиш таъминланади.

Шунингдек, ташқи манбалардан 357 млн АҚШ доллари миқдордаги хорижий сармоя жалб қилинади.

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда банкимизда мижозга йўналтирилган "Микро, кичик ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатишнинг янги операция модели"ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш бўйича ишлар бошланган. Ҳозирда ОТБнинг "Инклюзив молия секторини ривожлантириш – молиявий воситачилик" дастури доирасида банкка 50 млн АҚШ доллари миқдордаги кредит линиясини жалб қилиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. Бу кредит линияси очилса, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашдаги молиявий имкониятларимизни оширади.

"Бизнесни ривожлантириш банки" камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янада фаол ва изчил давом эттиради.

Шу кунларда банкимизга бириктирилган маҳаллаларда "Маҳалла банкирлари" фаолияти йўлга қўйилмоқда. Энди бу йўналишдаги фаолиятимизни янги аниқ ёндашувлар асосида амалга оширамиз.

Келгуси ҳам кичик бизнес лойиҳаларига молиявий сармоялар йўналтириб, аҳоли бандлигини таъминлашга, қўшимча даромад манбаларини яратишга, фуқароларимизни кичик ва ўрта бизнесга жалб қилишга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қиламиз.

Сахи АННАКЛИЧЕВ,  
"Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ  
Бошқаруви раиси




# 2025

● Yangi yilingiz muborak bo'lsin! ●

**Biznesni  
Rivojlantirish  
Banki**

BRB ilovasida 10 million so'mgacha  
KOMISSIYASIZ o'tkazmalar

Переводы БЕЗ КОМИССИИ  
до 10 млн сум в приложении BRB



1254

www.brb.uz

Реклама ҳуқуқида.  
Хизматлар лицензияланган.



## ТУРИЗМ

# ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА ЯНА БИР ҚАДАМ

Дунё миқёсида олиб қаралганда туризмни хили кўп. Шунга кўра, мамлакатимизга сайёҳлар турли мақсадлар, жумладан, қадимий обидаларимизни зийрат қилиш, ҳар хил урф-одат, анъаналаримизни ўрганиш, табиий хушманзара жойларда ҳордиқ чиқариш ва албатта, иштаҳани қитқилоччи бир-биридан мазаги ва кўркам миллий таомларимиздан татиб кўриш ниятида қадам ранжида қилишади.

Тарих ва маданиятга бой – Ўзбекистон туризми йилдан-йилга жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 сентябрдаги “Туризмнинг янги турларини жорий қилиш ҳамда мамлакатимизнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳада янги имкониятлар очди десак муболаға қилмаймиз.

Жумладан, ушбу қарорга кўра 2025 йил 1 январдан бошлаб, махсулот ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишишни назарда tutuvchi саноат туризми, олтин, руда ва бошқа минерал ресурслар қазиб олувчи конлар, шахталар, фаолият юритмаётган геологик объектларда технологик жараёнларни, шу жумладан, тоғ жинсларини портлатиш тадбирларини бехатар масофадан кузатиш, мутахассислар ила мулоқот қилиш, тоғ рельефлари бўйича экскурсияларни ташкил қилишни назарда tutuvchi геология туризми, илмий-тадқиқот институтлари ва лабораториялар, обсерваториялар ҳамда планетарийлар, Фанлар академияси ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг фан ва техника ютуқлари билан танишишни назарда tutuvchi илмий туризм, шунингдек, ҳарбий тарих ва фаолият билан боғлиқ жойлар ва кўҳна ёдгорликлар ва тадбирларда қатнашиш, ҳарбий хизматчилар ҳаёти ва шарафларини кўриш, ҳудудларда туристларга ўқ отиш бўйича пулли хизматлар ташкил қилишни назарда tutuvchi ҳарбий туризм, қолаверса, мамлакатнинг сиёсий ҳаёти, давлат органлари ва ташкилотларнинг тарихи ва фаолиятини акс эттирувчи жойларга, хусусан, маъмурий бино ва иншоотларини ҳам томоша қилишни ўз ичига олган давлат-бошқарув туризмларини жорий этиш белгиланди.

Шу билан бирга давлатимиз раҳбари то-

монидан имзоланган қарорга биноан мамлакатимизда табиий ва соғломлаштириш туризми имкониятларидан фойдаланиш, табиий сайёҳлик кластерлари ва меҳмонхона типидagi замонавий санаторийлар фаолиятини йўлга қўйиш, ушбу фаолият турлари билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларини қўшимча қўллаб-қувватлаш тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туризм қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистонга 2024 йилнинг 11 ойи давомида жами 9 миллион 400 минг нафар туризм ва бошқа мақсадларда хорижий сайёҳлар ташриф буюрган. Уларга кўрсатилган хизматлар экспорти 3 миллиард долларни ташкил этиб, ушбу кўрсаткичлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробарга ўсган.

Ҳозирда юртимизда меҳмонлар учун 3581 та туристик ташкилот ва турагентлар фаолият кўрсатмоқда ва уларда 3 200 нафар гид-экскурсоводлар фаолият юритмоқда.

Дунёнинг етакчи 16 та давлатида бўлиб ўтган 18 та халқаро ярмаркаларда Ўзбекистон ўз миллий туризм стенди билан иштирок этди. Япония, Германия, Хитой ва АҚШ давлатларида юртимизнинг сайёҳлик бренди элчилари ва вакиллари тайинланди.

Жорий йилнинг 25-26 апрель кунлари “Шаҳрисабз – Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг туризм пойтахти” халқаро форуми ва “Хива – 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти” шiori остида жорий йил 31 май – 2 июнь кунлари Хива шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо-давлатлари туризм вазирлари XII йиғилиши тадбирлари юқори савияда ўтказилди.

Илк маротаба март, август ва сентябрь ойларида барча ҳудудларда “Ички туризм ярмаркалари” бўлиб ўтди. Ушбу ярмаркаларда



ички сайёҳат йўналишидаги 1 700 га яқин тадбиркорлик субъектлари, жами 18 мингдан ортиқ иштирокчилар ташриф буюрди. Ярмарка доирасида ички сайёҳатларни ташкил этиш билан боғлиқ қиймати 20 млрд сўмга яқин 1 300 дан ортиқ шартнома ва битимлар имзоланди.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда хорижий давлатлардан ташриф буюрувчилар учун виза режими соддалаштирилди. Жумладан, аynи пайтда 93 та хорижий давлат фуқаролари учун визасиз кириш, 56 та давлат учун электрон кириш визаси, 47 та давлат учун беш кунлик транзит визасиз кириш, шунингдек, 76 та давлат учун туризм визалар беришининг энгиллаштирилган тартиби белгиланди.

Қолаверса, 55 ёшга тўлган ва туризм мақсадида 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга республикага келувчи ХХР, АҚШ ва Вьетнам фуқаролари учун визасиз кириш режими жорий қилиниб, “Vatandosh”, “Student visa”, “Academic visa”, “Medical visa” ва “Pilgrim visa” каби янги кириш виза турлари жорий этилди.

Марказий Осиё давлатларининг маданий меросини бир-бирига узаро боғлиқ сифатида тарғиб қилиш ташаббусига асосан ЮНЕСКО-

нинг “Хива декларацияси” қабул қилинди. Шу билан бирга, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг XI сессиясида Хива 2024 йил “Ислом дунёсининг туризм пойтахти” деб эълон қилинди. Туркий давлатлар ташкилотининг Туризм вазирларининг йиғилишида Кўкчон шаҳри “Илк туризм пойтахти” деган шарафли ном билан улугланди.

Биринчи маротаба БМТ таркибига кирувчи ташкилотларнинг 25-Бош ассамблеяси 2023 йилда қадимий Самарқандда ўтказилди. Қолаверса, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Шаҳрисабз шаҳрини 2024 йилда туризм пойтахти дея эътироф этиб, Шаҳрисабзни Туризм пойтахти сифатида эълон қилиниши шаҳарни Марказий Осиё, Афғонистон, Озарбойжон, Эрон, Туркия ва Покистон давлатларида тарғиб қилиш ва сайёҳларни жалб қилиш борасида янги имконият эшикларини очди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ ва боғжона имтиёзлари, харажатлар ва кредитларнинг бир қисмини қоплаш, субсидия ҳамда грантлар бериш, фозисиз ссудалар кўринишида давлат томонидан қўшимча кўмак ва преференциялар ажратилди.

Ёшларни туризм соҳасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида туроператорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун 50 млн сўмдан грант маблағлари ажратилиши, туристик корхоналар учун ижтимоий солиқ ва айланма солиқ ставкалари 1 фоиз этиб белгиланиши, ер солиғи ва мол-мулк солиқ ставкалари 90 фоизга камайтирилиши соҳа ривожига самарали хизмат қилди.

Шуқри, бу борадаги сайёҳаракатлар без шетмаепти. Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти хорижий давлатлар ва уларнинг нуфузли ташкилотлари томонидан муносиб эътироф этила бошланди.

Жаҳон Иқтисодий Форуми томонидан эълон қилинган “Сайёҳат ва туризмни ривожлантириш индекси” тадқиқотида кўра Ўзбекистон 2024 йилда “Туризмни ривожлантириш бўйича дунёнинг энг фаол мамлақати” деб топилди. Бу эътироф мамлакатда халқаро сайёҳларни жалб қилиш ва барқарор туризмни ривожлантиришга эътибор кучайиб бораётганини билдиради.

Жанубий корейлик ёзувчи Чве Хи Ёнг Корея Республикасининг “КБС” миллий радиостанцияси эфирда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида тўлқинланиб гапирди. Ёзувчи 2018 йилда Ўзбекистонга 6 марта ташриф буюрган. У мамлакат бўйлаб қилган сайёҳатлари давомида Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлар, замонавий ривожланиши, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятидан жуда катта таассуротлар олган. Ҳозирда ёзувчи Ўзбекистон ҳақида 464 саҳифали китобини нашр эттирмоқда.

Фикримиз интиҳосида қатор факторлар таҳлил этилиб, жалб қилинмай қолган соҳалар туризми рекламасига урғу берилиши юртимизнинг сайёҳлик имкониятларини янада оширишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Зеро, туризмнинг янги турларини жорий қилиш орқали маҳаллалар ва хорижий туристлар учун қўшимча имконият ва қўлайликлар яратиш давр талабидир.

Абдулла ХОЛБЎТАЕВ,  
“XXI asr” мухбири

## ОГОҲ БЎЛИНГ!

Бугунги кунда глобал ахборот майдонида кибермакон билан боғлиқ янги таҳдидлар юзага келмоқда. Шу боис виртуал оламдаги ҳужумлардан ҳимояланиш масаласи дунё ҳамжамиятини жиддий таъшишга солмоқда.

Дунё бўйлаб ҳар йили 500 миллиондан ортиқ киберҳужумлар уюштирилади. Ҳар сонияда 12 нафар инсондан бири кибермаконда содир этилган ҳужумлар қурбонига айланади. АҚШ, Франция, Англия, Германия, Белгия, Люксембург каби

диган жиноятлар қаторига киради. Биргина 2023 йилда 5 500 дан ортиқ ўзбекистонлик интернет фирибгарлари қурбони бўлган. Банк карталари ҳаётиимизда мустаҳкам ўрин эгаллагани сабабли, хавфсизлик бўйича мутахассислар барча карта эгала-

– SMS орқали келган шубҳали ҳавоаларни босманг;  
– маълумотларни қайта-қайта текширинг.

Фирибгарлар ҳақиқатан ҳам уларга дарҳол ишонинишга умид қилишади. Маълумотни икки марта текширишга вақт бермаслик учун улар сизни атайлаб шоширишади. Аммо пул масаласида ошқмаслик керак.

Унутманг, фирибгарлар доимий равишда алдашнинг янги схемаларини ишлари қилишади. Ҳар қандай ҳо-

# БАЛЛИ, БУНЁДКОРЛАР!

Янги асрнинг яна бир йили якунланмоқда. Ана шу даврда юртимизда кўплаб қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Аҳоли учун шифо масканлари, мактаб ва боғчалар тегишли пудратчилар томонидан бирин-кетин барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Бекобод шаҳридаги 7-урта мактабда 1 716 нафар ўқувчи таъмирга муҳтож абгор бинода, боз устига, хоналар етишмаслиги сабабли икки сменада сабоқ олар эди. Эндиликда ушбу иморат реконструкция қилиниб, ёнига 720 ўринли қўшимча ўқув биноси ҳам бунёд этилди.

Маъмур ўқув даргоҳи замонавий архитектура ва қурилиш меъёрлари асосида қад кўтаргани эътиборга молик. Ушбу таълим масканини барпо этишда “Инфратузилмани ривожлантириш” инжиниринг компаниясининг Тошкент вилояти худудий бўлими бюрут-мачилигида Хусниддин Ҳақимов бошчилигидаги “Файз истиқлол бунёдкори” масъулияти чекланган жамияти ишчилари астойдил меҳнат қилишди. Қарийб, 15 миллиард 600 миллион сўм маблағ ҳисобидан реконструкция қилинган объектда ўқувчилар учун барча шароитлар яратилган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, шу кунларда Бекобод туманининг чекка худудларидан бири Дехқонбод маҳалласидаги 37-урта мактаб биноси ҳам реконструкция қилиб бўлинди. Бу ерда 180 ўринли янги ўқув биноси ҳамда замонавий спорт зали бунёд этилди. Хайрли ишларни тажрибали уста Фарҳод

Зуфаров раҳбарлигидаги “GLOBAL CITY” МЧЖнинг жонкуяр қурувчиси ёни иссиқ, киши совуқ демай бор маҳоратларини кўрсатишди.

Айни дамда бинони фойдаланишга топшириш мақсадида унинг атрофида ободонлаштириш ишлар бунёд этилди.

ри олиб борилмоқда.

Кўп йиллардан бери Бўка туманидаги Ўзбек маҳалласи болажонлари ҳам таълим-тарбия маскани қурилишини орзу қилишарди. Шу боис Инвестиция дастурига кўра, 120 ўринли мактабга таълим ташкилоти барпо этилди. Бу ерда ошхона, болалар гуруҳи хоналари, ёзги ўйингоҳ барпо этилди. Лойиҳани “Буюк пойдевор барака” МЧЖ қурувчилари қисқа фурсатда ва сифатли даражада бажаришди.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ  
“XXI asr” мухбири

Хизматлар лицензияланган.



Суратда: (ўнгдан чапга) вилоят қурилиш техник назоратчиси Фарҳод Маманазаров ва “Файз истиқлол бунёдкори” МЧЖ иш юритувчиси Камолддин Ҳақимов

# КОДНИ АЙТДИНГ – ПУЛ СИЗ ҚОЛДИНГ



ривожланган давлатларда жиноятларнинг 60-65 фоизи киберҳужумлар орқали содир этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам сўнгги уч йилда бу турдаги жиноятлар 8,3 бараварга кўпайиб, ҳозирда умумий жиноятчиликнинг қарийб 5 фоизига етган. Хусусан, ноқонуний банк-молия операциялари орқали ўзгаларнинг пластик картасидаги маблағларини ўзлаштириш, зарарли вируслар тарқатиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинлар, диний ақидаларастликка қаратилган ахборот хужумлари, онлайн савдо майдонидagi фирибгарлик жиноятлари кўпайиб бормоқда. Пластик карталардан пул ўғирлаш ва фирибгарлик ҳолатлари ҳозирги вақтда энг кўп содир этила-

рига ўзларининг банк карталари ва унинг маълумотларини ҳамёндаги нақд пулдан ҳам қатъийроқ ҳимоя қилишни маслаҳат беришади. Бироқ банкнинг ахборот хавфсизлиги тизимларига қарамасдан, фирибгарлик операциялари натижасида картадаги пул маблағларини ўғирлаш эҳтимоли мавжуд.

Бунга йўл қўймаслик учун маблағларингиз билан ноқонуний операциялар амалга оширилишидан ҳимоялайдиган қуйидаги қондаларга қатъий амал қилишингиз лозим:

- пароль ва кодларингизни ҳеч кимга айтманг;
- карта бўйича SMS огоҳлантириш хизматини уланг;
- хавфсиз сайтларни танланг;

латда картадаги махфий маълумотларни ҳеч кимга, ҳатто ўзини банк ходими сифатида таништирган кишига ҳам берманг. Вазиятни тушунмагунингизча пул ўтказманг. Банкнинг расмий ишонч телефони рақамига ўзингиз кўнғироқ қилинг ва сизни қизиқтирган маълумотларни аниқланг.

Соҳибжон ТУРДИЕВ,  
Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бўлими бошлиғи, катта лейтенант  
Шаҳзод ИСЛОМОВ,  
бўлими профилаттика катта инспектори, катта лейтенант



# АДОЛАТ ҚАРОР ТОПМАСДАН

## ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАР ТИКЛАНМАЙДИ

Конституциямизнинг 55-моддасига биноан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланганлиги боис, фуқароларнинг ҳукм, ажрим ва қарорлар устидан апелляция ва кассация тартибида шикоят билдириш ҳуқуқи ҳам уларнинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланади.

2023 йил 27 сентябрда “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан 2024 йилнинг 1 январидан апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияларини жорий қилиш белгиланган эди.

Биринчи инстанция судининг ҳукмлари, ажримлари устидан дастлаб апелляция тартибида, агар апелляция тартибида қўрилмаган бўлса, қонуний кучга кирган ҳукмлар, ажримлар устидан кассация тартибида шикоят ё протест бериш, апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмлар, ажримлар устидан эса тафтиш тартибида шикоят ё протест бериш, шунингдек, тафтиш тартибида такроран шикоят ёки протест билдириш юзасидан илтимоснома билан мурожаат қилиш имкони яратилди. Бундан ташқари, ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят ёки протест бериш муддати йигирма суткадан ўн суткага қисқартирилди. Шунингдек, жиноят ишлари кассация ва тафтиш тартибида кўриш натижалари юзасидан янги оқлов ёки айблов ҳукми чиқариш ваколатлари берилди. Муҳими шуки, ана шу янгиланишлар натижасида судда ҳар бир иш бўйича якуний ҳулосага келишга эришилади.

Айтиш керакки, қонунга киритилган ушбу ўзгартишларга мувофиқ, тафтиш тартибидаги шикоят ёки протест туман (шаҳар) судларида апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ҳукмлар, ажримлар устидан, шунингдек, туман (шаҳар) судлари томонидан кўрилган иш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судларининг апелляция ёки кассация тартибида чиқарилган ҳукмлари, ажримлари устидан Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тош-



кент шаҳар судларига берилса, туман (шаҳар) судларининг апелляция, кассация ёки тафтиш тартибида кўриб чиқилган ҳукмлари, ажримлари устидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция бўйича чиқарилган ҳукмлар, ажримлар ва улар юзасидан чиқарилган апелляция ёки кассация инстанциясининг ҳукмлари, ажримлари устидан эса Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилади.

Шу билан бирга, Олий суд раиси ва Бош прокурор Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш тартибида чиқарилган ҳукмлари, ажримлари устидан Олий суднинг Раёсатига тафтиш тартибида такроран кўриб чиқиш учун протест билдиришлари мумкин. Бу ҳуқуқ маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларининг фуқаровий даъвогар дахлдор қисми устидан, оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳамда ишда тараф бўлмаган шахсларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан илтимосномаларини кўриб

чиқиш натижалари бўйича таъминланади.

Ташкилий тузилиши жиҳатидан судлар бир-бири билан бўғин тушунчаси билан, бажарадиган вазифалари жиҳатидан эса инстанция тушунчаси билан боғлиқ бўлади. Суд инстанцияси суд ишларини ҳал этиш билан боғлиқ у ёки бу вазифани бажарувчи (ёки унинг таркибий тузилмаси) ҳисобланади. Биринчи инстанция суди деб мазкур иш юзасидан асосий масалаларни мазмунан кўриб чиқишга ваколатли бўлган судга айтади. Жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция суди айбланувчи шахсининг жиноятни содир этишда айбдор ёки айбдор эмаслиги ва унга жазо тайинлаш масаласини ҳал қилади.

Биринчи инстанция суди сифатида уч бўғинли судларнинг барчаси, шу қаторда Олий суд ҳам иш кўради. Бу судларнинг ваколат доираси амалдаги қонун билан аниқ белгиланган. Иккинчи инстанция судларига апелляция, кассация ва тафтиш тартибида иш юритувчи судлар, учинчи инстанция судларига такроран тафтиш тартибида ва янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритувчи судлар киради.

Апелляция инстанцияси суди қонуний кучга кирмаган ҳукм, ажрим ва қарорларнинг

қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текширишга қаратилган. Умумий юрисдикция судлари тизимида бундай судлар сифатида кўйи бўғин судларига кирмайдиган барча юқори турувчи судлар иш кўради. Қонуний кучга кирмаган суд ҳукми ва ажрим устидан апелляция тартибида иш қайта кўриб чиқиши белгиланган. Қонуний кучга кирган суд ҳукми ва ажрими устидан эса кассация шикояти кўриб чиқиши мумкин.

Кассация инстанция суди қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим ҳамда қарорларнинг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текширади. Тафтиш инстанцияси ва янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритишни қайтадан бошлаш қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарорларни қонунийлиги, асослиги ҳамда адолатлигини текширишга қаратилган.

Юқори турувчи суд инстанциялари ёки юқори турувчи суд деганда, тегишли судга нисбатан анча юқори мавқе ва мақомга эга бўлган судлар тушунади. “Юқори суд инстанцияси” атамаси Жиноят-процессуал кодексининг тегишли нормаларида ҳам белгилаб қўйилган. Шикоят ва протестнинг мавжудлиги ишни апелляция ва кассация тартибида

кўриб чиқишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шикоят ва протестни қонунда белгиланган муддатда ва тегишли бўлган суд органига берилиши иккинчи ва учинчи инстанция суди зиммасига, шикоят ва протестда кўрсатилган вазиятнинг тўғри ёки нотўғри тақдим этилганлигидан қатъи назар, ишни кўриб чиқиш мажбуриятини юклайди.

Шикоят ёки протестнинг берилиши қабул қилинган қарорлар билан қонуний манфаатлари боғлиқ бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ҳуқуқий механизмни ишга туширади. Юқори инстанция суди зиммасига ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини аниқлаш, шикоятдаги ҳар бир вазифага асосланган жавоб бериш, шикоят берган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг бузилишларини бартараф этиш, шикоят билдирилган қарорнинг қонуний, асосли ва адолатлигини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўриш вазифасини юклайди. Энг муҳими, мазкур тартиблардан кўзланган асосий мақсад адолатни қарор топтириш ва шу орқали инсонларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклашдир.



**Баҳодир СУЛТОНОВ,**  
Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси

# ИҚТИСОДИЙ НИЗОЛАРНИ КЕЛИШУВ БИТИМИ БИЛАН ЯКУНЛАШ

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимояси таъминланишида низоларни келишув йўли билан ҳал этиш институтидан кенг фойдаланиш ва суд амалиётида қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат, иқтисодий судлар томонидан низоларни ҳал қилишда тарафларни кўпроқ ҳуқуқий тушуниришлар асосида низоларни келишув йўли билан ҳал этиш, тарафлар вакилларига мурожаат келиш учун етарлича имкониятлар яратиб берилмоқда.

Судларда тадбиркорлик субъектлари бўлган тарафлар низо юзасидан суд ҳал қилув қарори қабул қилинганга қадар ўзаро келишувга эришганда процессуал қонунчиликда уларни расмийлаштиришнинг икки тартибини белгилайди. Хусусан, яраштириш тартиб таомиллари сифатида қўлланиладиган энг кенг тарқалган таомиллар сифатида келишув битими ва медиатив келишув ҳисобланади. Уларнинг процессуал жиҳатдан қатор фарқлари мавжуд бўлиб, айниқса, келишув битимлари тузиш борасида кенгроқ тушунчаларга эга бўлиш тарафларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда мавжуд афзалликлардан кенгроқ фойдаланиш имкониятини беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, келишув битими билан тугаган ишлар юзасидан тарафлар томонидан шикоятлар ёки юқори инстанцияларга мурожаатлар бўлмаган. Хусусан, иқтисодий ишлар бўйича Тошкент шаҳар судлари томонидан 2021 йилда 229 та, 2022 йилда 137 та, 2023 йилда 82 та, 2024 йилнинг биринчи чорагида 123 та иқтисодий ишлар тарафлар ўртасида низо юзасидан келишувга эришиш асосида турли суд инстанцияларида келишув битими суд томонидан тасдиқланганлиги сабабли иш юритишдан тугатилган. Бу эса келишув битими моҳиятини янада кенгроқ ўрга-



ниш, процессуал жиҳатдан камчиликларни бартараф этиш, суд томонидан расмийлаштириш талабларини такомиллаштиришни талаб қилади.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 163-моддаси биринчи қисми 8-бандига мувофиқ суд ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида тарафларни мурожаат келтириш чораларини кўради. Шу муносабат билан даъво аризасини қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда суднинг тарафларга низоли келишув йўли билан ҳал этиш ҳақидаги таклифи кўрсатилиши лозим.

Келишув битими – ўзаро келишувга асосланган ва низоли ҳал қилиш юзасидан тарафларнинг ёзма кели-

лишуви ҳисобланади. Келишув битими у суд томонидан тасдиқланганидан сўнггина тузилган ҳисобланади. Бундай битим тузилиб, суд томонидан тасдиқланиши Иқтисодий процессуал кодекс 110-моддаси биринчи қисми 7-бандига асосан иш юритишни тугатишга асос бўлади.

Қайд этиш лозим, келишув битими: – иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида (ишларни биринчи инстанция, апелляция, кассация ҳамда тафтиш инстанциясида кўриш босқичларида ҳам) ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида тарафлар томонидан тузилиши мумкин; – келишув битими у суд томонидан тасдиқланган-

нидан кейин тузилган ҳисобланади ва суд томонидан келишув битимининг тасдиқланиши иш юритишни тугатишга асос бўлади, шу сабабли айна бир шахслар ўртасидаги, маълум бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан судга такроран мурожаат қилишга йўл қўйилмайди (ИПК 110-, 111-моддалар);

– тарафлар ўртасида келишув битими бўйича шартлашилган мажбуриятларни бажармаслик ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Шу сабабли, келишув битимида мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари кўрсатилиши, шунингдек, келишув битимида жавобгар томонидан мажбуриятларни кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги, талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ҳақидаги, қарз(неустойка)дан тўлиқ ёки қисман воз кечиш ёхуд қарзни тан олиш тўғрисидаги, суд харажатларини тақсимлаш ҳақидаги шартлар ва қонунга зид бўлмаган бошқа шартлар кўрсатилиши мумкин.

Келишув битимининг унда белгиланган тартиб ва муддатларда ижро этилмаслиги суд томонидан манфаатдор тарафнинг аризаси бўйича ижро варақаси бериш учун асос бўлади. Битимда суд харажатларини тақсимлаш ҳақидаги шарт мавжуд бўлмаса, суд бу масалани уни тасдиқлаш чоғида, умумий тартибда ҳал этади.

Хулоса қилиб айтганда, тарафлар низо юзасидан ўзаро келишувга эришганда ва ушбу келишув қонун талаблари асосида расмийлаштирилганда низонинг одилона ечими топилган бўлади. Ҳар икки тараф ҳам суднинг қароридан рози сифатида кейинчалик шикоятларнинг ҳам олди олинади, тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлик муносабатлари сақлаб қолинишига эришилади.

**Раҳматжон БЕРДИЯРОВ,**  
Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьяси



# "ИШБИЛАРМОН АЁЛ — 2024" ҒОЛИБЛАРИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик ва фермерлик билан шуғулланиб келаётган хотин-қизлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Соҳа эгаларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун барча ҳуқуқий асос ва имтиёзларнинг яратилгани бунга асос бўлмоқда. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам ўз сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Ватанимиз иқтисодига ҳиссасини кўшмоққа бел боғлаганлар меҳнатини қадрлаш, бугуннинг тадбиркор аёлини кашф этиш мақсадида жорий қилинган энг катта лойиҳалардан бири – "Ишбилармон аёл" кўрик-танлови десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур кўрик-танлов 2016 йилдан буён самарали ўтказиб келинаётир. Ўтган даврда танлов доирасида 20 000 нафардан ортиқ ишбилармон хотин-қиз кашф қилинди. Жорий йилдан бошлаб кўрик-танловнинг саралаш босқичлари маҳаллалардан бошланиб, ҳудудий республика босқичлари 14 та ҳудудда муваффақиятли ўтказилди. Уларда 20 мингга яқин тадбиркор иштирок этди. Беллашувнинг ҳудудий республика босқичи ғолиблари билан танишинг!

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



**Молдир Утебаева,**  
Кегейли туманидаги  
"Гулбағ-лалазар"  
фермер хўжалиги раҳбари:

– Қарийб йигирма йилдан буён оилавий фермерлик билан шуғулланамиз. Асосий фаолиятимиз асаларичилик, кўчат етиштириш, биогумус тайёрлаш, Миср давлати пиёзини етиштиришдир. Хўжалигимизда 22 нафар доимий ишчи банд.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича 3,5 млрд сўмлик грант ютдик. Яна 280 млн сўмлик грант учун 2 гектар ерга 1 100 туп эртапишар ўрик ва нок навлари ҳам ҳосилга тайёрланмоқда. Бу каби танловлар биз аёлларнинг тажриба алмашиш, ўз устимизда изланишимизда куч-қувват беради.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ



**Гулруҳ Абдуҷабборова,**  
"ImDi" болалар текстиль  
маҳсулотларини ишлаб  
чиқариш корхонаси раҳбари:

– Олий маълумотли дизайнерман. 2020 йил карантинда уйда ўтириб қолган, фарзандларимга кўрпа-тўшаклар тика бошладим. Кутимлаганда, шу маҳсулотларни кенгроқ тайёрлаб, савдоси билан шуғулланиш истаги туғилди. Мана, ўз корхонамни ҳам ташкил қилдим. Россия, Америка, Корея, Ҳиндистон, Қозғистон, Тожикистон давлатларига маҳсулотларимизни экспорт қилаямиз. Давлатимизга кўпроқ инвестиция киритиш ниятидаман.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



**Нилуфар Ярматова,**  
якка тартибдаги тадбиркор,  
Янгийўл шаҳри:

– Бир пайтлар "Аёллар дафтари"да эдим. Қўйин вазиятга тушиб қолганимда ҳам мўйқала-имини ташламадим. Сопол, ёғоч, тери ва матога мойбўёқда нақш чизаман. Имтиёзли кредит олиб, сеvimли санъатимни дунёга олиб чиқишга муваффақ бўлдим. Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Тошкент сингари қадимий шаҳарларда ҳам маҳсулотларим сотувини йўлга қўйганман.

Танловдаги иштироким мени бундан кейин хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашда янада шижоат билан ишлашга ундади.

## СИРДАРЁ



**Лайло Раҳматуллаева,**  
якка тартибдаги тадбиркор,  
Янгийер шаҳри:

– Ижтимоий тармоқларда буюмларга безак бериш, тақинчоқлар ясашни кўриб, қизиқиб қолдим. Дастлаб уйда ўтириб совғалар ясадим ва масофадан буюртмалар олдим. 2022 йилда Янгийер шаҳрида ўз дўконимни очдим. "Мохир кўллар" хунармандчилик устанонамда 100 дан ортиқ шогирдларимга хунар ўргатиб келяман. Ундан ортиқ аёлларни иш билан таъминладим. Энди ўқув маркази очмоқчиман.

## ЖИЗЗАХ



**Раъно Ҳасанова,**  
Зомин туманидаги  
"Yasmin chevarlari"  
МЧЖ раҳбари:

– Биз олти овсин чопон, нимча тикиб сотар эдик. Жаҳон банкидан 101 миллион грант ютиб олган, фаолиятни кенгайттирдик. Ҳозирда 60 нафар доимий, 100 нафар мавсумий ишчимиз бор. Энг муҳими, Зомин тумани Пешағор маҳалламиздаги 20 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар бизнинг сафимизда.

## САМАРҚАНД



**Зарина Расулова,**  
Ургут туманидаги  
"Zarina sifat tekstil"  
МЧЖ раҳбари:

– O'zLiDeP "Аёллар қаноти" ташкил этилган "Ишбилармон аёл" кўрик-танловида иштирок этиш орузим эди. Чопон тикишни ёшлигимдаёқ онамдан ўрганганман. "Аёллар дафтари"далигимда 1 донна тикув машиниси билан иш бошладим. Янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот турини кўпайтирдим. Ургут тумани Бешкапа маҳалласида фаолият юритиб келаётган корхонамизда Ургут, Қўшрабат, Пайариқ, Нуробод туманларидаги 700 нафар касаначи хотин-қиз иш билан банд. Маҳсулотларимизни Афғонистон ва Тожикистонга экспорт қилаямиз. Ишларимиз ўйлаганимиздек давом этса яна 1 000 дан ортиқ опа-сингилларимни ишли қиламан.

## НАВОИЙ



**Шаҳноза Каримова,**  
Навоий шаҳридаги "Барака нон"  
МЧЖ раҳбари

– Бугун оиласидан ортиб мамлакатимиз ривожига катта ҳисса қўшаётган, иш ўринлари яратаётган тадбиркор хотин-қизлар жуда кўп. Дастлаб турмуш ўртоғим билан тандир нон ёпиб, сотардик. Кейинчалик имтиёзли кредит олиб, ишимизни кенгайттирдик. Ҳозирда корхонамизда 200 дан ортиқ турдаги нон ва ширинликлар тайёрлаб, элимиз дастурхонига тортиқ қилаямиз. 50 нафар доимий ва 200 дан ортиқ ёрдамчи ишчи-хондиларимиз меҳнат қилмоқда. Уларнинг кўпчилигини ижтимоий дафтарларда рўйхатда турувчи хотин-қизлар ва ёшлар ташкил этади. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонамиз ишга тушса яна 500 кишининг бандлиги таъминланади.

## БУХОРО



**Шоира Бўлдиева,**  
Бухоро шаҳридаги  
"Рушана текс" оилавий  
корхонаси раҳбари,  
"Дўстлик" ордени соҳибаси:

– 3 нафар ишчи билан бизнесга қадам қўйгандик. Бухоро шаҳридаги "Рушана текс" оилавий корхонамиз орадан ўтган 14 йил давомида катта тажриба майдони бўлди. 1 млрд 200 млн сўмлик кредит айланма маблағларини тўлдириш ва хомашё олиш учун изчил иш юритилгани, ўз вақтида зарур тикув, тўқув дастгоҳлари хориждан келтирилгани ҳам қўл келди. 2017 йилдан бошлаб 4 млрд сўмлик маҳсулот четга сотилди. Ишлаб чиқариш билан 1 200 дан ортиқ ишчи банд. Экспортёр субъект сифатида Туркия, Россия, Эрон ҳамда бир қатор Болтиқбўйи республикалари билан ўзаро манфаатли шартномалар тузганмиз.

## ХОРАЗМ

**Феруза Ҳасанова,**  
Урганч шаҳридаги  
"Миллий тикувчилик"  
оилавий корхонаси раҳбари:

– 11 йил олдин корхонамизни очганимизда бироз чўчганимиз рост. Лекин оила аъзоларимнинг кўмаги ва албатта, яратилган қўлай шароитлар туфайли бугун шижоатли ишбилармонга айландим. Дастлаб уй шароитида кўрпа-тўшак тайёрладим. 2017 йилда ўз маблағимиздан 400 миллион сўм йўналтириб, ишлаб чиқариш савдо нуқталаримизни ҳам замонавий қиёфага келтирдик. 20 нафар ходим иш билан банд, уларнинг 16 нафари имконияти чекланган хотин-қиз. Келгусида 500 дан ортиқ аёлга бепул касб-хунар ўргатиш ва

## СУРХОНДАРЁ



**Мафтунна Азизова,**  
Бойсун туманидаги "Асилахон  
терма гиламлари" оилавий  
корхонаси раҳбари, "Шухрат"  
медали соҳибаси:

– Бир неча йилдан бери гиламдўзлик билан шуғулланаман. Хунармандчиликнинг ушбу тури билан шуғулланиб келаётган сулоланинг олтинчи авлод вақилиман. 50 турдаги ноёб миллий хунармандчилик маҳсулотларимиз ўз бозорига эга, чет эллик сайёҳларнинг қизиқишларини айтмайсизми?!

Жамоамиздаги 26 нафар хотин-қиз гилам тўқиш билан бирга, миллий чопон, сумка, дўппи, сўзана тикади. Уларни Тожикистон, Қирғизистонга ҳам экспорт қилаямиз. Туя жунидан тўқилган гиламларимиз иссиқликни сақлайди, электр токни ўтказмайди, гард юқтирмайди, узоқ вақт тоза сақланади.

## ҚАШҚАДАРЁ



**Ҳомидахон Мейлиқўзиева,**  
Яккабоғ туманидаги  
"Ризо ота" фермер  
хўжалиги раҳбари:

– Фермер хўжалигимиз пахта, ғалла ва чорвачиликка ихтисослашган. Умумий ер майдони 43,1 гектар, 35 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Шартнома мажбуриятларини пахтачиликда 150-160 фоизга, ғаллачиликда 135-151 фоизга, пиллачиликда 125-130 фоизга бажардим. Кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш доимий эътиборимда. Шундай оилаларга 42 тонна бўғдой тарқатдик, олий ўқув юртлиларида таҳсил олаётган иқтидорли 4 нафар ёшга 32 миллион сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатдик.

## НАМАНГАН



**Нарғиза Тўрабоева,**  
Косонсой туманидаги  
"Ал-ҳадя сувенири"  
МЧЖ раҳбари:

– 2015 – 2024 йилларда Косонсой, Тўрақўрғон, Чуст, Янгийқўрғон, Норин туманлари ҳамда Наманган шаҳридаги маҳаллаларда яшовчи ишчи аёлларга хунармандчилик, кулчилик, ҳайкалтарошлик, эсдалик совғалари, совунадан гуллар ясаш каби хунарларни ўргатиб, 100 дан ортиқ аёлларни иш билан таъминладик.

## ҒАРҒОНА



**Дилдора Саидахмедова,**  
Марғилон шаҳридаги "Ризо  
текс саноат" МЧЖ раҳбари:

– 2020 йилда ижарага тикув машинаси олиб, 4 ўрам материал билан иш бошлагандим. Аввал аёллар ҳалатини тикиб Қозғистонга жўнатдим. Ишларимиз уларга ёқди ва ҳамкорлик таклиф қилишди. Мана, 25 кишилик ихчам жамоам билан тинмай ишлаяпмиз. Қирғизистон ва Россияга ҳам экспортни йўлга қўйдик.

Цехимни фабрикага айлантириш, дунё бозорини маҳсулотларим билан тўлдириш, халқроқ курғазмаларда иштирок этиш, давлатимизга кўпроқ инвестиция киритиш ниятидаман.

## АНДИЖОН



**Одинахон Мўйдинова,**  
Асака туманидаги  
"Mo'yudinova  
Odinaxon" фермер  
хўжалиги раҳбари:

– Кўп фарзандли оилада туғилиб, ўсганман. Ота-онам ернинг тилини биладиган уста, миришкор деҳқон бўлишган. 2017 йилда отамнинг қўллаб-қувватлаши билан ўз номимда фермер хўжалиги ташкил этилди. Ҳаракатларимиз бесамар кетмади. Ҳосилларимиз мўл-кўл бўлди. 1 ярим гектар ерда мевали боғ яратганмиз. 22 нафар ишчимиз бор.

Даромадлар ҳисобидан тикув цехи очдик. 12 нафар чевар буюртмаларни сифатли тайёрлаб беришмоқда. "Аёллар дафтари"даги 12 нафар аёлни ишга олдик. Гулчилик ва узумчиликни янада кенгайтириб, шу йўналишларни етакчи соҳага айлантироқчимиз.

ҲАҚАТ

# АНВАР АКАНИНГ АРМОНЛАРИ

Анвар Абдувалиевни лоф бўлмасин-у салкам чорак асрдан бери биламан. Юзма-юз танишиб, ака-ука бўлганимизга эса ўттиз йилдан ошгандир. Эллик йил бурун таниганман, деярликнинг сабаби, у маҳаллари, бугунги авлод эшитса, эртақ деб ўйлайди, ҳар бир хонадонда деворга михланган “радиоприёмник”лар бўларди. Ва улардан бутун мамлакат, дунёдаги янгиликлар, ўзгаришлар ҳамда турли мавзуларга онд бадий-маърифий эшиттиришлар янграб турарди. Ана шу миттигина радио орқали эфирга узатилган “Ахборот”да мухбир Анвар Абдувалиев деган инсонни севиб қолганимиз. Кейин эса...

“Ўзбекистон” радиосининг “олтин хазинаси”га айланган машҳур “Оқшом тўлқинлари” таҳлилий эшиттиришининг дунёга келиши ва бир зумда эл аро тилга тушиши тарихи жуда узоқ. Битта эшиттириш орқали, лоф бўлмасин, неча унлаб иқтидорли мухбир-журналистлар кашф этилди. Бугун уларнинг қанчаси пенсияда, қанчаси ҳамон эл-улус орасида, касбига садоқат билан хизмат қилаётир.

Билмадим, Анвар Абдувалиевнинг меҳнат дафтарчасида менимча “радиога ишлади” деган битта ёзув бўлса керак. Уқишга киргунича балки Фарғонанинг Бешариғида дала-даштада ишлагандир. Бошқа жойда ишлашни тасаввур ҳам қилолмаймиз бизлар.

Сабаби, палак отган муборак манзили ана шу сехрли ва сирли овозлар муҳрланган даргоҳда. Яна бир жиҳати, ака ҳеч қачон ўзгармайди, каттами-кичикми, вазирми-қоровулми, бойми-фақирми, барибир, ҳаммага бир кўзда қарайди. Баъзан ҳамкасблар ҳазил аралаш “Анвар ака, ижодкорлар даврасида “радио соҳаси профессори”сиз, лекин санъаткорлар ҳам қизганиб, “Абдувалиевдек ўзбек миллий санъатини нозик дид билан тушунадиган ва таҳлил қила оладиганлар бизга керак” дейишади. У билан исталган мавзуда соатлаб баҳслашинг, зерикмайсиз. Шунинг учун Анвар ака кирган даврага файз киради, ҳазил ва жиддий, ҳаётий гурунлар тугамайди.

Яна бир ибратли жиҳати, Анвар Абдувалиев радио ва телевидение соҳаси вакиллари орасида китоб, босма нашрлар мутолаасидан ташқари, ўзи қўрган-кечирган унутилмас воқеалар ҳақида хотира-эсселар ёзишда ҳам карвонбоши. Шогирдларидан Рузбой Қўлдошев, Шарофиддин Тўлагановлар ҳам ана шу ажойиб анъанани давом эттиришяпти.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Анвар Абдувалиев кеча ҳаммамиз ҳавас қилгулик умр дафтарининг етмишинчи қишини қаршилади. Энг қизиғи, ҳаммамизга “Мен ҳақимда кўпам мактов-ҳамду саноларни ёзиб юрманглар, насиб этса саксонга етайин, кейин ярашади. Ҳозир етмиш ёш деганимиз беллида куч-қуввати, юрагида шиддат-журъати борлар учун чегара бўлмай қолди. Менинг армонларим кўп, айниқса Ўзбекистон радиоси журналистикамизнинг бешиги саналади. Бу даргоҳда адабиёт ва санъатимиз ривожини учун умр-жонларини қурбон қилиб кетган улў инсонлар беҳисоб. Насиб этса, умр вафо қилса, ана шундай зотлар босиб ўтган ҳаёт йўллари ҳақида китоблар ёзаман” деди устоз маҳзун ва майин овозда.



Орзуга айб йўқ, деганларидек, барибир ҳамон неча юзлаб ёшларга устозлик қилаётган заҳматқаш журналист ҳаёти ва ижоди ҳақида манбалар изладик. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шундай забардаст зиёли ҳақида интернет деган улкан майдондан тўрт қатор маълумот ҳам тополмадик. Бу не кўрилик, айтинг. Аксинча, кечагина “тухум ёриб чиққан” нурсиз ва хаста овозли “юлдузчалар” ҳақида қаердаги мактов тўла ҳамду санолар тиқилиб ётибди. Аслида ана шу кемтиклик учун ҳам бизнинг ўзимиз айбдор эканлигимизни биламизми?

Айтсак ишонмайсиз, камтарлик ҳам эви билан-да: бир донагина суратингиздан юборинг, ҳечқурса ижтимоий тармоқда эълон қилармиз” десак, нима деди денг. “Раҳматли

Қурбон Эшмат билан тушган расмиимиз бориди, лекин уям менда йўқ. Ўзингиз сўраб кўринг ўғлидан, менга ноқулай!”...

У деди, бу деди, баҳона қилди, охири ўша тарихий лаҳзалар муҳрланган фотосурат, хайриятки, топилди!

Бу ёғини эшитинг, Анвар ака излай-излай топганимиз ўша суратга тагсўз-изоҳни қуйидагича ёзишимизни илтимос қилди: **таникли журналист. “Жасорат” медали соҳиб-и Қурбон Эшмат (чапда) оддий журналист Анвар Абдувалиев билан...**

Норқобил ЖАЛИЛ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



## ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Истараси ширмойи нонидек тафтли, кўнми боладек беъубор, баърикени халқимизни кўриб келаётган **Анни йил** билан чин горақдан салмилий муборакбод этади.

2024 йил барчамиз учун яхши хотираларга тўла, хайрли йил бўлди.

Хурсан, саннат, қурлими, рақамли технологиялар, туризм соҳалари жадал раванқ топиб, шашар ва қилиқларимиз ҳар томонлама ободлик касб этади. Ёшларимиз халқаро кўламда ўз истеъдоди ва маҳоратини билан дунё аҳлини лол қолдирди.

Ушбу кутлуқ айёмда эришган барча натижаларимизнинг бунёдкори бўлган сиз, азиз халқимизга яна бир бор миннатдорчилик изҳор этамиз. **Анни йил**да барчангизга мустақам соҳлик, узоқ умр, хонадонингизга кут-бароқа, шоду хуррамлик, дастурхонингизга тўкин-сочинлик тилаймиз.

Кўриб келаётган **2025 йил** барча эзгу ниятлар рўёби билан бирга келсин!

Қадами кутлуқ йилда нортимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

**Анни йил**нингиз муборак бўлсин!

